

ГИЁВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРИНИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ОЛИБ КИРИЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ

Абдуразаков Абдувосит Абдулхаевич
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош
бошқармаси бошлигининг ўринбосари-тергов
бошқармаси бошлиғи
vosit_8119@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10555787>

Аннотация: Мазкур мақолада гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларини ғайриқонуний олиб кирилишига қарши кураш масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг инсон ҳаёти, соғлиғи ва жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

Калит сўзлари: Аналоглар, жазо, жиноят, қарши курашиш, шарт-шароитлар, гиёвандлик воситалари, психотроп, моддалар, ноқонуний айланмаси, ижтимоий хавфли.

“Аср вабоси” дея умумэътироф этилган гиёҳвандлик воситаларининг дунё миқёсида миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Зотан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш инсон ҳаёти, соғлиғи ва жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, мамлакатдаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига салбий таъсир кўрсатади, кўпинча уюшган жиноятчилик билан алоқадорлиги унинг ижтимоий хавфлилигини янада оширади.

Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир қилинган жиноятлар ижтимоий хавфлилиги билан жамоат хавфсизлигига, давлат манфаатларига ва инсонлар соғлигини сақлаш ва саломатлигини муҳофаза қилишга жиддий салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, гиёҳвандлик воситаларидан жабр кўрувчиларнинг аксариятини жамият келажаги бўлмиш ёшлар ташкил этаётганлиги янада ачинарлидир¹. Унинг устига, гиёҳвандлик воситалари нафақат инсон соғлиғига, балки унинг энг кучли қуроли бўлмиш онгига ҳам зарар етказади ҳамда пировардида инсон аста секинлик билан инсонийлик қиёфасини йўқота бошлайди. Гиёҳвандлик хасталигига дучор бўлганларнинг кўпчилиги 16-29 ёшда эканлиги, 30 % ини 24 ёшгача бўлганлар ташкил қилиши фикримизнинг тўғрилигидан далолат беради.

Ушбу ҳолатлар гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида содир қилинган жиноятларга қарши курашни янада кучайтириш лозимлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасида гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш,

¹О.С.Субанов. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларни барвақт олдини олиш: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: О. Т. Ахмедов; О. С. Субанов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ МОИ, 2023. – 52 б.

шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлсада, ушбу жиноятлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда, гиёҳвандлик воситаларини кўп ва жуда кўп миқдорда ўтказиш ҳолатлари кўпайиб, тобора халқаро тус олмоқда. Бу эса, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир қилинган жиноятларга нисбатан қонун кучидан тўла фойдаланишни талаб этади.

Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи учун жавобгарликни оширишга асосий эътибор қаратилган бўлиб, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш, жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш масаласи тадқиқотчилар томонидан камроқ ўрганилган. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида жиноят содир қилган шахсларнинг қилмишини тўғри квалификация қилиш ва жазони индивидуаллаштиришда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш халқаро жиноятчилик даражасига кўтарилди. Зеро, бу жиноятларнинг аксарияти бошқа мамлакатлардаги жиноятчилар олами билан алоқаси бўлган уюшган гуруҳлар томонидан, шунингдек, махфий жойлар ва техника воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилмоқда, гиёҳвандлик воситаларини ташиш учун эса кўпинча аёллар ва ўсмирлар жалб этилмоқда. Гиёҳвандлик оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Гиёҳвандлик муаммосининг тарихига назар ташлаш унинг XX асрга келиб умумжаҳон даражасидаги долзарб муаммога айланганлигидан далолат беради². Бунга эса қатор омиллар: жумладан, фан-техниканинг жадал суръатларда ривожланиши, кўпчилик мамлакатлар томонидан ушбу муаммонинг моҳиятига етарли даражада эътибор берилмаганлиги ва унга нисбатан турлича ёндашув, жаҳон мамлакатлари орасида интеграциялашув жараёнининг юз бериши, минтақавий ва жаҳон миқёсидаги ҳарбий ҳаракатлар ва тўқнашувларнинг авж олиши каби ҳолатлар сабаб бўлди. Агарда гиёҳвандлик илгари уни етиштирган мамлакатлар доираси билан чегараланган бўлса, бу даврга келиб халқаро кўламда жаҳоннинг барча мамлакатларига ўзининг зарарли таъсирини ўтказа бошлади.

Гиёҳвандлик муаммосининг хавфлилиги шундаки, гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилиш шахсни жамиятдан ажратиб, унинг инсоний қиёфасини йўқотишига ва у томонидан турли-туман жиноятлар содир қилинишига олиб келади. Бундан ташқари унинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф туғдириб инсон бош миясига, иммун тизимига шикаст етказди, инсон организмида жиддий патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Миллат генофондининг бузилишига олиб келади.

Кейинги йилларда гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний савдоси билан

²Харабет К.В. Преступность и наркотизм (криминологический, уголовно-правовой и экологический аспекты) – М., 1996. – С. 5.; Спасенников Б., Спасенников С. Определение понятия «опьянение» в уголовном праве // Уголовное право. № 4, 2007. – С. 8-10.

шуғулланадиган жиноий гуруҳлар фаолияти муайян давлат ҳудудидан чиқиб трансмиллий наркосиндикатлар юзага келди. Трансмиллий наркосиндикатлар ўз эҳтиёжлари йўлида илмий техника тараққиёти натижаларидан фойдаланиши уларнинг техник-молиявий имконияларини оширмоқда³. Уларнинг ўз жиноий фаолиятларида энг замонавий қурол ва воситалардан, электрон таъминот тизимидан, жумладан глобал ахборот тизими-интернетдан фойдаланишлари муаммонинг кўламини янада ортишига сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра ҳар йили наркобизнес билан шуғулланаётган жиноятчилардан умумжаҳон миқёсида 100 мингга яқин ўқ отар қуроллар олиб қўйилмоқда. Бундан ташқари 500 дан ортиқ яширин учиш ва қўнишга мўлжалланган майдонлар аниқланмоқда, шунингдек наркосиндикатлар томонидан фойдаланилаётган тахминан шунча учиш аппаратлари парвоз пайтида уриб туширилади ёки мусодара қилинади. Шунга қарамай ҳар куни ғайриқонуний юк ортилган 300 га яқин парвозлар амалга оширилмоқда⁴.

Гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфлилиги яна шунда намоён бўладики, гиёҳвандлик воситаларига қарамлик натижасида рўй берган инсон хулқ-атворидаги салбий ўзгаришлар, у криминоген омил бўлиб хизмат қилади. Гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг ўзаро алоқадорлигининг ижтимоий-салбий хусусияти:

гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш билан боғлиқ жиноий қилмишларнинг содир этилишида;

гиёҳвандлар гиёҳвандлик воситаларини ёки уларни харид қилиш учун маблағларни топиш мақсадида жиноятлар содир этилишида;

гиёҳвандлик воситаларининг бевосита таъсирида (гиёҳвандлик воситалари билан мастлик ёки абстиненция ҳолатида) жиноятлар содир этилишида;

гиёҳвандлар ўзининг ҳам кўпинча жиноятлардан жабр кўришида намоён бўлади.

Бизнингча, глобаллашув жараёнининг жадаллашуви, Ўзбекистоннинг халқаро бозорга кириши, республика ҳудудидан наркотранзит сифатида фойдаланилиши туфайли аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган гиёҳвандлик воситаларининг тузилишида ўзгаришлар рўй бериши, яъни табиий наркотиклар ўрнини синтетик гиёҳвандлик воситалари эгаллаши мумкин. Бундай шароитларда гиёҳвандликнинг эпидемияга айланиш хавфи вужудга келади⁵.

Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари вояга етмаганлар ва ёшларнинг соғлиғига катта зарар етказишдангина иборат эмас. Олиб борилган тадқиқотлар⁶ наркотизмнинг

³ Противодействие незаконному обороту наркотических средств и психотропных веществ. Учебное пособие. – М.: «Щит-М». 2001. 52-бет.

⁴ Б.Ф.Калачев Использование достижений НТР в деятельности наркосиндикатов. Материалы научно-практической конференции «Федеральный закон «О наркотических средствах и психотропных веществах» и актуальные проблемы противодействия незаконному обороту наркотиков». – М., 1998. – С.18.

⁵ Война с наркомафией: пока без победителей. //сост. Л.Н.Елин. – М.: Республика, 1992. – С. 270.

⁶ Боголюбова Т.А Наркотизм (Основы частной криминологической теорий). Дисс.докт.юрвд.наук. – М: 1991. – С. 50.; Габиани А.А. Наркотизм. – Тбилиси. Сабчота Сакартвелло, 1977. – С. 12-56.; Авакян Р.О. Наркомания и методы борьбы с нею. – Ереван: Айастан. 1999. – С. 124-257.; Гасанов Э.Г. Деятельность органов внутренних дел по предупреждению наркотизма среди молодежи. Дисс.канд.юрид.наук. – Баку. 1991. – С. 77-123., Алиев И.Т. Криминологическая характеристика молодежного наркотизма в Азербайджане. Дисс.канд.юрид.наук. – Баку. – С. 65-138.; Золотов Ю.М. Состояние и динамика молодежного наркотизма в России в 90-е годы Дисс.канд.социалог.наук. – М.: 1995. – С. 24-61.; Якубов А.С. Уголовно-правовые меры борьбы с вовлечением несовершеннолетних в пьянство и потребление наркотических средств. – Т., 1992. – С. 67.; Абдиров Н.

жиноятчилик билан бевосита алоқадорлигидан далолат беради.

Бундай алоқадорлик биринчи навбатда гиёҳвандлик (наркотизм) билан боғлиқ бир қатор қилмишларнинг жиноят қонунида таъқиқланганлигида намоён бўлади. Булар гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКга мувофиқ бу турдаги жиноятларга: таъқиқланган экинликларни етиштириш (ЖК 270-модда); гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271-модда); гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (ЖК 273-модда); гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (ЖК 274-модда); гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 275-модда); гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЖК 276-модда)лар киради.

Дарҳақиқат, айнан вояга етмаганлар орасида наркотизмнинг кенг тарқалиши наркобизнес билан шуғулланувчилар учун кенг имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам гиёҳвандлик воситаларини тарқатувчилар қаторига кўпроқ вояга етмаганлар жалб қилинадилар⁷.

Гиёҳвандлик (наркотизм)нинг жиноятчилик билан алоқадорлиги ўта хавфли жиноятлар содир этилишида, вояга етмаганлар томонидан эса ғараз мақсадларда зўрлик ишлатиб⁸ ва зўрлик хусусиятидаги⁹ тажовузларнинг содир этилишида, шунингдек, гиёҳвандлик воситалар истеъмоли ўз навбатида кун сайин баҳоси кўтарилиб борадиган гиёҳвандлик воситаларини сотиб олиш йўлида жиноятчиликнинг ўсишида намоён бўлади¹⁰.

Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ўсмирлар организминини ишдан чиқарибгина қолмасдан, балки вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабабларидан бири ҳамдир. В.И.Омигов томонидан танлаб ўтказилган тадқиқот натижасида олинган маълумотларга кўра наркоманларнинг 2/3 қисми вақт ўтиши билан жиноят содир қиладилар¹¹. Гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш натижасида “гаранг” бўлган вояга етмаганлар турли ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, оғир жиноятларни ҳам содир этадилар. Мастлик ҳолатида улар мактаб, кўчаларда уруш-жанжал чиқарадилар,

Концептуальные проблемы борьбы с наркотизмом в Республике Казахстан. – Алмата. ТОО «Баспа». 1999. – С. 448.; Икрамова М.Г. Уголовно-правовая борьба с наркоманией. – Т.: Фан. 1982. – С. 109.

⁷ Ахмедов Г., Кадиров М. Наркомания, преступность, ответственность. –Ташкент: Узбекистан, 1989. – С. 58-59.

⁸ Овезов Н.А. Влияние наркомании на совершении корыстных преступлений. // Причины отдельных видов преступлений и проблемы борьбы с ними. – М.: 1989. – С. 32-35; Сбирунов П.Н. Криминологические вопросы предупреждения преступлений, связанных с наркотическими веществами. Автореф. дисс.. на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук. – М.: 1985. – С. 14.

⁹ Базаров Р.А. Уголовно-правовые средства предупреждения тяжких насильственных преступлений несовершеннолетних. – Челябинск. 1992. – С. 70-72.

¹⁰ Собиров М. Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиш жараёнида иқтисодий жиноятчилик. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 52.

¹¹ Омигов В.И. Идущий в ад ищет попутчиков. // Здоровье, 1987. -№5. – С. 24.

зуравонлик ва вандализм актларини содир этадилар¹².

Гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчилик бир-бири билан кўпинча бирикиб кетгани учун БМТнинг унга қарши ишлари 1997 йилда мустақкамланди. Бош қароргоҳ, Венада жойлашган БМТнинг Гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ягона ижрочи директор томонидан бошқарилади. Бошқарма гиёҳванд моддалар савдоси, уюшган жиноятчилик халқаро терроризм ва Бош котиб жамиятдаги “фуқароликка қарши” унсурлар деб атаган бундай ҳолатлар билан глобал миқёсда кураш олиб бориш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Бошқарма Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд воситалар устидан назорат бўйича халқаро дастури (ЮНДКП)ни ва Бутун жаҳонда жиноятчиликни бартараф этиш маркази ҳаракатларини ўз ичига олади.

Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчилик тўғрисида огоҳлантириш бошқармаси 1997 йил 1 ноябрда ташкил этилган. Уни ташкил этишдан мақсад гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш, жиноятдан жамоатчиликни огоҳ этиш ва халқаро терроризм муаммоларини ҳар томонлама, атрофлича ечишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти имкониятларини мувофиқлаштиришдир. Бошқарма қуйидаги қисмлардан иборат:

Гиёҳванд моддалар устидан халқаро назорат ўрнатиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дастурлари (ЮНДКП).

Жиноят тўғрисида огоҳлантириш бўйича халқаро марказ. Дастур гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш ва бу борадаги БМТнинг бутун фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар ҳисобланган асосий тузилмадир. У мазкур соҳадаги техник экспертиза маркази сифатида хизмат қилади ва гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш масалалари бўйича аъзо давлатларга техник маслаҳатлар беради.

Унинг зиммасига юкланган вазифалар жойлардаги тармоқдар оркали миллий, ҳудудий ва глобал даражада амалга оширилади.

Жиноят тўғрисида халқаро огоҳлантириш бўйича марказ жиноят ҳақида огоҳлантириш ва жиноятни одил судга мустаҳиқ этиш соҳасидаги асосий тузилма сифатида хизмат кўрсатади ва мамлакатлараро уюшган жиноятчиликка, одамлар ўртасидаги контрабанда савдосига, молиявий жиноятлар ва терроризмга қарши курашга асосий диққат-эътиборни қаратади.

Бошқарманинг 1998-1999 йиллардаги умумий бюджети 168,8 миллион долларни ташкил этди, шундан 161,1 миллион доллар Дастурга ва 7,7 миллион доллар Марказга ажратилди. Дастурнинг 90 фоиз, Марказнинг 29 фоиз маблағи ихтиёрий хайр-эҳсонлардан тўпланади, қолганлари БМТ доимий бюджетидан ажратилади¹³.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижтимоий салбий ҳодиса бўлган наркотизм жиноятчилик билан бевосита алоқадордир ва унга қарши кураш барча давлат органлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва кенг жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришларини талаб қилади. Барча манфаатдор субъектларнинг эътибори биринчи навбатда вояга етмаганларнинг гиёҳвандликка

¹² Специальный выпуск по материалам иностранной печати. – М.: ВНИТИ, 1973. - №5. – С. 13.

¹³ Бюллетень по наркотическим средствам. ООН. Нью-Йорк, Том XLV, № 2, 1993. – С. 1-4.

чалинишига қарши қаратилган тизимнинг яратилишига қаратилиши зарур. Бундай тизимни яратиш учун, аввало аҳоли орасидаги гиёҳвандликнинг сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш керак бўлади.

Гиёҳвандлик моддаларини ғайриқонуний олиб кирилишига қарши кураш профилактикаси ёки мазкур жиноятларнинг олдини олиш – бу давлат органлари (шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари), жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг гиёҳвандлик жиноятлари содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни нейтраллаштириш ёки уларга барҳам беришга қаратилган, ўз мазмунига кўра ҳар хил чора-тадбирларни (таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини) қамраб олувчи, объектив ташқи омилларга ва муайян жисмоний шахсларга йўналтирилган фаолиятидир.

References:

1. Ахмедов Г., Кадиров М. Наркомания, преступность, ответственность.-Ташкент: Узбекистан, 1989. – С. 58-59.
2. Авакян Р.О. Наркомания и методы борьбы с нею. – Ереван: Айастан. 1999. – С. 124-257..
3. Алиев И.Т. Криминологическая характеристика молодежного наркотизма в Азербайджане. Дисс.канд.юрид.наук. – Баку. – С. 65-138.;
4. Базаров Р.А. Уголовно-правовые средства предупреждения тяжких насильственных преступлений несовершеннолетних. – Челябинск. 1992. – С. 70-72.
5. Боголюбова Т.А Наркотизм (Основы частной криминологической теорий). Дисс.докт.юрвд.наук. – М: 1991. – С. 50.
6. Габиани А.А. Наркотизм. – Тбилиси. Сабчота Сакартвелло, 1977. – С. 12-56.
7. Гасанов Э.Г. Деятельность органов внутренних дел по предупреждению наркотизма среди молодежи. Дисс.канд.юрид.наук. – Баку. 1991. – С. 77-123.
8. Золотов Ю.М. Состояние и динамика молодежного наркотизма в России в 90-е годы Дисс.канд.социалог.наук. – М.: 1995. – С. 24-61.
9. Якубов А.С. Уголовно-правовые меры борьбы с вовлечением несовершеннолетних в пьянство и потребление наркотических средств. – Т., 1992. – С. 67.
10. Овезов Н.А. Влияние наркомании на совершении корыстных преступлений. // Причины отдельных видов преступлений и проблемы борьбы с ними. – М.: 1989. – С. 32-35.
11. Собиров М. Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиш жараёнида иқтисодий жиноятчилик. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 52.
12. О.С.Субанов. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларни барвақт олдини олиш: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: О. Т. Ахмедов; О. С. Субанов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023. – 52 б.